

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

## ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК-ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УСЛУБИ

**P.A.Мельзидинов**  
ЎзДЖТСУ, П.ф.б.ф.д. (PhD)  
**Абдубориев Сухробжон**  
FB01-23 гурух талабаси

**Аннотация:** мақолада ёш футболчиларни техник-тактик тайёргарлиги масалалари ёритилган бўлиб, унда, муаллиф томонидан тажрибаларда асосланган, таклиф қилинган ўйин машқларидан ташкил топган услубият футболчиларнинг техник-тактик маҳоратини тезкор ва сифатли такомилаштириши ҳамда индивидуал техник-тактик тайёргарлигини индивидуал таркибий қисмларига танлаб таъсир қўрсатиши ёритилган.

**Калит сўзлар:** футбол, ҳаракат амаллари, техника, тактика, техник-тактик тайёргарлик, ўйин ҳаракатлари, ўргатиш, тўп билан ишлаш.

Замонавий футболда барча ҳаракат амаллари мақсадга йўналтирилган ва рационал бўлиши учун ёш футболчиларни мос равишдаги умумий ва маҳсус техник-тактик тайёргарлигини яхшилаш зарур бўйиб, у, ўйин ҳаракатларининг асоси ҳисобланади ва онгнинг фаол иштирокида ўз ҳаракатларини бошқариш қобилиятини ривожлантиришдан иборат.

Ҳаракат кўнижмасини шакллантириш пайтида, ёш футболчиларда техник усул ва унинг элементлари тўғрисида ҳаракат тасаввuri юзага келади. Улар, қисқа вақт ичида хилма хил ҳаракатларни бажаришлари, ҳар қандай ўйин ҳолатида тезкор қарор қабул қилишлари ва бунда, югуриш тезлигини назорат қилишлари, дарвозагача бўлган масофани баҳолашлари, яхши реакцияга эга бўлишлари, майдондаги ҳар хил ҳолатлардан туриб дарвозага қаратса аниқ зарба беришлари, тезкор қарор қабул қилишлари, фазо ва вақт чегараланган, айрим пайтларда рақиб томонидан босим ўтказилган ҳолатдаги ўйин пайтида юзага келадиган вазифаларни ҳал қилишлари керак. Агарда, жамоа техник жиҳатдан тайёргарлиги юқори, кучли, ўз малакаси ва маҳоратини юқори даражада қўрсата оладиган футболчилардан ташкил топган бўлса, унда, рақиб устидан ғалаба қозониш имконияти юқори бўлади. Замонавий футбол қарма-қаршиликни юқори даражада бўлишини, ўйинни чиройли олиб бориш малакасини – самарали хужум қилиш, моҳирона ҳимояланишни ҳисобга олади, бундай ҳолатда, ўйинчиларни муваффақият қозониши қийин бўлади, техник усуллар кўпинча автоматик тарзда

## Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

бажарилади, лекин бу, кўп йиллик тренировка ва ўйинчиларни мос равишдаги мусобақа тажрибаси бўлгандағина мумкин бўлади.

Педагогик кузатишлар футбол бўйича машғулотарда ўтказилган бўлиб, ундағи вазифалар усулларни рационал танлаш, ишни амалга оширишнинг аниқ ташкилий шакллантириш, олинган маълумотларни мақсадга йўналтирилган қайта ишлаш ва таҳлил қилиш йўли билан ҳал қилинган. Асосий педагогик тажрибаларда ёш футболчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг оптимал усуллари асосланган ва уни тренировканинг йиллик циклида такомиллаштириш самарадорлиги аниқланган. Тадқиқотнинг учинчи босқичида педагогик тажрибада олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш амалга оширилган.

Шуғуланувчиларнинг бири коридордан бир неча қадам нарида ён томонда туради. Қолганлар марказий доирада жойлашади. Биринчи иштирокчи тўпни биринчи устунга қадар тепиб олиб боради ва уни коридордан ташқарида турган ўйинчига пастдан тепиб узатади. Ушбу ўйинчи тўпни биринчи ўйинчига қайтаради ва у, тўпни кейинги устунга қадар тепиб олиб боради ва уни яна коридордан ташқарида турган ўйинчига узатади ва ҳ.к. Биринчи ўйинчи охирги устундан ўтганидан кейин жарима майдонига киради ва дарвозага қарата зарба беради. Сўнгра, ушбу машқни кейинги ўйинчи бажаради. Машқни ўзлаштирилишига қараб, кейинчалик ўйинчилар тўпни бир марта тепиши билан бир-бирига узатишади.

Жамоа ўйинчилари ўйин вақтида ўзаро ҳаракат қилишганида ҳар хил тактик комбинацияларни амалга оширишади – бу, ҳар хил тактик вазифаларни ҳал қиласиган иккита ёки бир нечта ўйинчиларнинг ҳаракатлариdir. Тренер, ёш футболчиларни тактик комбинацияларга ўргатиши пайтида, битта звено ёки чизиқ ўйинчилари, жумладан ҳар хил звеноларда (иккита, учта ва ундан кўп ўйинчилар) ўйнайдиган футболчилар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва уйғунликка эришишга интилиши керак. Ёш футболчилар зарурий техник усулларни, маълум даражадаги назарий билимларни ва ўйинчилар ўртасида ҳамкорликда ҳаракат қилишни ўзлаштириши даражаларига кўра, уларни жамоавий тактик ҳаракатларга ўргатишга ўтиш мақсадга мувофиқ, бунда, ҳар бир ёш футболчининг майилликлари ва имкониятларини ҳисобга олиш муҳимdir.

Ёш футболчиларнинг ўқув-тренировка амалиётида ўйин машқларини кенг кўллаш тавсия қилинади ва улар ёрдамида маълум бир тактик ҳаракатларни ривожлантириш, қўйилган вазифалар ва шуғулланувчиларнинг тайёргарлиги

## Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

даражасига боғлиқ ҳолда ўйинчилар сонини ва майдоннинг катталигини ўзгартириш билан ўйинчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ва ўзаро алоқани ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Ёш футболчиларни жамоавий тактик ҳаракатларга ўргатишнинг асосий воситаси ўқув ўйини хисобланади. Уни бошлашдан олдин, тренерга ўйин сценарийсини ишлаб чиқиш ва ўйинчилар билан зарурӣ суҳбат ўтказиш, ўқув ўйини вақтида эса – ўйинчиларнинг битта гурухидан бошқаси олдига, алоҳида ҳолатларда танбех ва қўрсатмалар бериш билан ҳаракатланиши тавсия қилинади. Жамоавий тактик ҳаракатларни мустаҳкамлаш ва такомилаштириш ўртоқлик ва тақвим ўйинлари жараёнида амалга оширилади, аввалига кучсизроқ рақиб танланади, кейин кучи teng бўлган ва ундан кейингина кучли рақиб танланади. Мазкур ўйинларнинг асосий мақсади – жамоани ва ҳар бир ўйинчини амалиётда текшириб кўришдан иборат.

Мусобақа фаолиятини баҳолаш учун индивидуал-жамоавий техник-тактик ҳаракатларнинг миқдор ва сифат қўрсаткичларини таҳлил қилиш қўлланилади. Педагогик тажрибани ўтказиш пайтида, биз, ўйинчиларни мусобақа босқичидаги техник-тактик ҳаракатларини қайд қилдик.

Тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлили ёш футболчиларнинг ўйин фаолияти оптимал шароитларда ўтишини (бу, ўйин фаолиятида жуда муҳим), шу билан бирга, қийинлаштирилган шароитларда ўтишини қўрсатади. Барча техник-тактик ҳаракатларнинг деярли ярми қийинлаштирилган шароитларда ўтиши футбол учун характерли бўлиб, ушбу ҳаракатларнинг ярмини брак ташкил қиласди. Тадқиқот давомида барча гуруҳларда ўйин фаолиятининг нафақат миқдорий, балки сифат қўрсаткичлари ҳам ўзгаргани кўринади ва улар ўзаро анча катта даражада фарқ қиласди.

Носпецифик воситалар улушини оширилишига, специфик ва носпецифик юкламалар хажмини ойма-ой тақсимланишини носпецифик юкламалар улушини июл ойида ошириш билан ўзгартирилишига асосланган ёш футболчиларни тайёрлаш технологияси жисмоний қобилиятларни, функционал ва техник-тактик тайёргарликни ривожланиши даражалари бўйича анча юқори суммар самарани таъминлайди.

Ишлаб чиқилган машқлар тизими йил давомида қўлланганидан кейин назорат ва тажриба гурухи футболчилари иштирокида 12 та ўйин қайд қилинди. Тажриба гурухида тўпни узатишни, айланиб ўтиш ва тўпни тортиб олишни бажариш пайтида, дарвозага зарба бериш сифатида, техник-тактик ҳаракатларнинг умумий сонида ишончли устиворлик аниқланган. Тажриба

## Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

гуруҳи томонидан бажарилган гуруҳли ўзаро ҳаракатларнинг умумий миқдори 15 марта кўп ва уларни бажариш ишончлилиги юқори бўлган.

Мусобақалар вақтида киритилган тўпларни таҳлил қилиш, ўйинни кўп усулли комбинацияларни устивор қўллаш билан олиб боришнинг танланган манераси ўйинчиларнинг спорт маҳоратини ўсиб бориши билан ўйин натижасига таъсир кўрсатишини ортиши анъанасига эга эканлигини кўрсатади. Тажриба гуруҳи мусобақаларда 28 та тўп киритган, назорат гуруҳи эса – 15 та. Ўйинни олиб боришнинг ҳар хил тактик схемаларини қўллаш пайтида, 13-14 ёшли тажриба гуруҳи футболчилари 5 нафар яримҳимоячилар (3-5-2) билан ва 4 нафар яримҳимоячилар (3-4-2-1) билан жамоавий ҳаракатларни муваффақиятли ўзлаштиришган.

Таклиф қилинган ўйин машқларидан таркиб топган тренировканинг тажрибада асосланган услубияти ёш футболчиларнинг техник-тактик маҳоратини тез ва сифатли ўсишига кўмаклашади ҳамда уларнинг индивидуал техник-тактик тайёргарлигини маълум бир таркибий қисмларига танлаб таъсир қилиш имконини беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Нуриев Р.И. Совершенствование тактических действий футболистов высокой квалификации. Учеб пособие, Т., 2000. -254 с.
2. Ziyayev, Abdurakhmon. "SPORTS TOURISM AS A MODULE OF ELECTIVE COURSES OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS SCIENCES IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS." *Namangan davlat universiteti Ilmiy axborotnomasi* 6 (2023): 707-712.
3. Toxirjonovich, Arabboev Qaxramon, et al. "THE ROLE OF SPORT IN PEOPLE'S HEALTH." *International Journal of Early Childhood Special Education* 14.7 (2022).
4. Nazirjonovich, Khatamov Zafarjon, and Akhmedov Muhammadjon. "DEVELOPMENT OF TECHNICAL AND TACTICAL SKILLS OF HIGHLY QUALIFIED BOXERS BASED ON AN INNOVATION CLUSTER." *Лучшие интеллектуальные исследования* 11.2 (2023): 76-85.
5. Khatamov, Zafarjon. "METHODOLOGICAL JUSTIFICATION OF THE MAIN DIRECTIONS OF IMPROVING PHYSICAL EDUCATION OF HIGHER EDUCATION STUDENTS." *Namangan davlat universiteti Ilmiy axborotnomasi* 6

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

(2023): 811-818.

6.

Ibra  
gimovich, Sultanov Usmon. "DYNAMICS OF FORMATION OF PHYSICAL DEVELOPMENT AND PHYSICAL TRAINING OF LONG DISTANCE RUNNERS." European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol 7.6 (2019)

7.

Ziy  
ayev, Abdurakhmon. "SPORTS TOURISM AS A MODULE OF ELECTIVE COURSES OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS SCIENCES IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS." Namangan davlat universiteti Ilmiy axborotnomasi 6 (2023): 707-712.

8.

Ab  
dullaevich, Ziyaev Abdurakhmon. "Development of General Physical Qualities of Girls Football Players in Higher Education Institution." European Journal of Economics, Finance and Business Development 1.9 (2023): 1-6.

9.

Ab  
dullayevich, Ziyayev Abduraxmon. "THE EFFECTIVENESS AND METHODS OF DEVELOPING THE TECHNIQUE OF PLAYING YOUNG BASKETBALL PLAYERS THROUGH SPECIAL EXERCISES." ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 11.12 (2022): 123-125.